

## АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ЖАЗОСИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ҚОНУНЧИЛИК

**Ботир Санаев**

Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Тошкент юридик коллежи катта ўқитувчиси  
[sanaevbotir@gmail.com](mailto:sanaevbotir@gmail.com)  
ID [orcid.org/0000-0003-2588-9806](https://orcid.org/0000-0003-2588-9806)

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2017-6-6-8>

Мазкур мақолада миллий қонунчилигимиз ва хорижий давлатлар қонунчилигидаги ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг умумий ва фарқли жиҳатлари, бу борадаги айрим хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси муҳокама қилинган. Ўз навбатида муаллиф айрим хорижий давлатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратган.

**Калит сўзлар:** жиноятчилик, жазо тизими, жазо муддати, ахлоқ тузатиш ишлари, жазо қўлланилмайдиган шахслар, назорат қилувчи органлар, чекловлар, мажбуриятлар.

## ИСПРАВИТЕЛЬНЫЕ РАБОТЫ КАК УГОЛОВНОЕ НАКАЗАНИЕ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

В данной статье обсуждены общие и различные стороны наказания в виде исправительных работ в национальном законодательстве и законодательстве зарубежных государств, также законодательная практика некоторых зарубежных государств по данному вопросу. В свою очередь автор обращает

внимание на положительные стороны некоторых зарубежных государств.

**Ключевые слова:** преступность, система наказаний, срок наказания, исправительные работы, лица, в отношении которых наказание не применяется, контролирующие органы, ограничения, обязанности.

### CORRECTIVE WORKS AS CRIMINAL PUNISHMENT: NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE

This article discusses the general and various aspects of punishment in the form of correctional labor in the national legislation and legislation of foreign states, as well as the legislative practice of some foreign states on this issue. In turn, the author draws attention to the positive aspects of some foreign gosurstv.

**Keywords:** crime, punishment system, term of punishment, correctional labor, persons for whom punishment is not applied, controlling bodies, restrictions, duties.

Жиноятчилик бутун инсониятни доимо хавотирга солиб келган ижтимоий салбий ҳодиса ҳисобланади. Инсоният жиноятчилик пайдо бўлган замондан бошлаб унга қарши курашиш восита ва усуллари излаган. Бундай воситалардан бири сифатида жиноят содир қилган шахсни жазолашни келтириш мумкин.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг миллий жиноят қонунчилигимизни шакллантириш жараёнида ҳам жазо тизимига алоҳида эътибор қаратилган. Ўз навбатида Жиноят кодекси 10-моддасида жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципининг

белгиланганлиги ҳам жиноятчиликка қарши курашишда жазонинг аҳамиятини кўрсатиб беради.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳақли тарзда таъкидлаганларидек: “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур”<sup>1</sup>.

Дунёнинг барча мамлакатларида бўлгани каби миллий жиноят қонунчилигимизда ҳам жазо тизими жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб белгиланган. Мазкур жазо тизимида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 46-моддасига кўра мазкур жазо шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлган, олти ойдан уч йилгача муддатга тайинладиган, суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталадиган жазо тури ҳисобланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларнинг санкциясида ҳамда камдан-кам оғир жиноятларнинг санкциясида белгиланган.

Бир қатор хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини таҳлил қилиш асосида таъкидлаш мумкинки, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси асосан МДҲ

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали мароисмига бағишланган лий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. 10-б.

таркибига кирувчи давлатлар жиноят қонунчилигида белгиланган.

Жумладан, Россия қонунчилигига кўра ахлоқ тузатиш ишлари жазоси асосий иш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланиб, уларнинг яшаш ҳудуди бўйича ишга жойлаштириш орқали ўтатирилади. Мазкур давлатда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қўлланиладиган шахслар доирасида бир неча бор ўзгаришлар амалга оширилган. Масалан, 1960 йилги РСФСР Жиноят кодексида белгиланганидек, 1996 йилги РФ Жиноят кодексида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳам иш жойига эга бўлган, ҳам иш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланган. Бироқ, 2003 йил 8 декабрдаги Федерал Қонун билан мазкур жазо фақатгина иш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланиши белгиланди. Бу борада А.Рарогнинг фикрича, “бундай чуқур ўйланмай қилинган ва ижтимоий жиҳатдан асосланмаган қарор ҳуқуқшунос олимлар ўртасида кескин ва асосли танқидга учраган. Охир-оқибат қонун чиқарувчи 2011 йил 7 декабрдаги Федерал Қонун билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг аввалгидек асосий иш жойига эга бўлган шахсларга ҳам татбиқ қилинишини белгилаган”<sup>2</sup>.

МДҲ давлатлари жиноят қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг номи, моҳияти бир хил тарзда белгиланган бўлсада, мазкур жазо татбиқ этиладиган шахслар доираси, маҳкумга нисбатан белгиланган чекловлар ва бошқа жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, мазкур фарқли жиҳатлар қуйидагиларда намоён бўлади:

---

<sup>2</sup> Рарог А.И. Законодательные атаки на устои уголовного права // Государство и право. 2013. № 1.

1) жазо муддати ва маҳкумнинг даромадидан давлат фойдасига ушлаб қолинадиган сумма миқдори бўйича:

- Россия Федерацияси, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Туркманистон ЖК бўйича 5 фоиздан 20 фоизгача;

- Беларусь ЖК 52-моддаси 1-қисми бўйича 10 фоиздан 25 фоизгача;

- Украина ЖК 57-моддаси 1-қисми бўйича 10 фоиздан 20 фоизгача;

- Тожикистон ЖК бўйича 20 фоиздан 50 фоизгача;

2) ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўталадиган муддат бўйича:

- Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ЖК бўйича икки ойдан икки йилгача;

- Беларусь, Украина ЖК бўйича олти ойдан икки йилгача;

- Озарбайжон, Арманистон ЖК бўйича бир ойдан икки йилгача;

3) ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қўлланилмайдиган шахслар доираси бўйича:

- Беларусь ЖК 52-моддаси 2-қисми бўйича: чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, мазкур давлатда доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахслар, сил касалининг очиқ шакли билан касалланганлар, ВИЧ-касалланганлар, ОИТСга чалинганлар, доимий иш жойига эга бўлмаган шахслар (ЖК 52-моддаси 2-қисми);

- Украина ЖК 57-моддаси 2-қисми бўйича: меҳнатга лаёқатсиз шахслар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, нотариуслар, судьялар, прокурорлар, адвокатлар, давлат хизматчилари,

маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари мансабдор шахслари;

4) ахлоқ тузатиш жазосини ўташ жойи бўйича:

- Украина, Озарбайжон, Қозоғистон қонунчилиги бўйича мулкчилик шаклидан қатий назар маҳкумнинг иш жойи бўлган корхона, муассаса, ташкилотда;

- Арманистон, Тожикистон, Туркменистон ЖК бўйича маҳкумнинг иш жойи бўлган корхона, муассаса, ташкилотда, шунингдек, мазкур жазони ижро этишни назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда;

5) рағбатлантирувчи ва жазони оғирлаштирувчи чоралар бўйича:

- Беларусь ЖИК 42-моддаси 2-қисми, Украина ЖИК 46-моддаси 3-қисми, Қирғизистон ЖИК 39<sup>6</sup>-моддаси ва Тожикистон ЖИК 46-моддаси 2-қисми бўйича рағбатлантирувчи чора сифатида жазодан шартли озод қилиш белгиланган;

- Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида бундай чоралар белгиланмаган;

6) ахлоқ тузатиш жазосини ўташ бошланадиган муддат бўйича:

- Украина ЖИК 39-моддаси 3-қисми бўйича маҳкум жазони ўтайдиган ташкилот ҳукм нусхасини олган пайтдан бошлаб;

- Россия Федерацияси ЖК бўйича маҳкум ишга чиққан биринчи кундан бошлаб”<sup>3</sup>.

Ўз навбатида айрим хорижий давлатларда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўталиши борасидаги ижобий жиҳатлар диққатга сазовор.

Жумладан, Озарбайжон ЖИК 43-моддаси 2-қисмига кўра иш жойига эга бўлмаган маҳкумга ҳукм чиққанидан сўнг уч ой ичида ишга жойлашиш таклиф

---

<sup>3</sup> Жабский В.А. Наказание в виде исправительных работ по УК стран СНГ // Бизнес в законе. – 2011. – №1. С.91-93.

этилади ва зарурат туғилганда унга бу борада ёрдам берилади. Мазкур модданинг 3-қисмига кўра маҳкум ҳар қандай ҳолатда ҳам бандлик хизмати органларида ҳисобда туриши лозим.

Ўз навбатида хорижий давлатларда ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталишини назорат қилувчи органлар ҳам турлича. Масалан, Озарбайжон қонунчилигига кўра мазкур жазонинг маҳкум томонидан ўталиши суд ижрочиси томонидан, Арманистонда эса жинойт-ижроия инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Шу билан бирга хорижий давлатлар қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан турли чекловлар қўлланилади. Бу борада Э.В.Лядовнинг фикрича, Россия Федерацияси қонунчилигига кўра ахлоқ тузатиш ишлари жазоси бўйича чекловлар қўйидагилардан иборат: даромадининг 5 фоизидан 20 фоизигача давлат фойдасига ушлаб қолиниши; жинойт-ижроия инспекциясининг ёзма розилигисиз ўз хоҳишига кўра ишдан бўшай олмаслик; ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларига қарши ҳар ойлик суғурта тўловларининг бир қисмининг ушлаб қолиниши; йиллик ҳақ тўланадиган 18 кунлик таътил олиш ҳуқуқи; ҳарбий хизматни ўтай олмаслик; жазо ўтаб бўлинганидан сўнг бир йил мобайнида судланганлик ҳолати мавжуд бўлиши. Ўз навбатида РФ ЖКнинг 40-моддасига кўра ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинганлар жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя қилишлари, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишлари, чиқирувга биноан жинойт-ижроия инспекциясига ҳозир бўлишлари, иш жойи ва яшаш



жойи ўзгарган тақдирда мазкур органга 10 кун ичида хабар беришлари лозим<sup>4</sup>.

Шунингдек, Тожикистон ЖИК 42-моддаси 1-қисмига кўра ахлоқ тузатиш ишлари бўйича инспекция мазкур жазога ҳукм қилинган маҳкумларга нисбатан қуйидаги мажбуриятлар ва тақиқларни белгилаш ҳуқуқига эга: сутканинг маълум вақтида уй-жойини тарк этмаслик; дам олиш ва меҳнат таътили вақтида уй-жойини тарк этмаслик; шаҳар (туман)нинг маълум жойларида яшаш; бир ойда икки марта ахлоқ тузатиш бўйича инспекцияга рўйхатдан ўтиш учун келиш. Мазкур мажбуриятлар ва тақиқлар олти ойгача муддатда белгиланади. Зарур ҳолларда эса жазо муддати даврида яна олти ойгача чўзилиши мумкин. Бунда маҳкумнинг иш жойига эга эмаслиги ушбу мажбуриятлар ва тақиқларнинг унга нисбатан қўлланмаслигига олиб келмайди.

Шунингдек, Украина қонунчилигидаги ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ижро этувчи инспекциянинг розилигисиз ишдан бўшаш ҳуқуқига эга бўлмаслик чеклови мавжуд. Бу борада Ю.А.Пономаренко мазкур чекловни аслида чеклов эмас, балки қонун чиқарувчи томонидан ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилинганларни ўйлаб пухта қилинган қарор эканлигини, сабаби ишсизлик даражаси юқори бўлган вазиятда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинганларга ушбу жазо орқали ҳақ тўланадиган иш кафолатланишини таъкидлаган<sup>5</sup>.

Ўз навбатида Қирғизистон ЖИК 39-1-моддаси 4-қисмида жиноят-ижроия инспекцияси ходими

---

<sup>4</sup> Э.В. Лядов. Правовой статус осужденных, отбывающих уголовные наказания, не связанные с изоляцией от общества // Вестник Томского государственного университета. Право. 2015. №2 (16). С.77.

<sup>5</sup> Пономаренко Ю.А. Исправительные работы в уголовном праве украины: есть ли перспективы? // Вестник РУДН, серия Юридические науки, 2014, № 3. С.144.



маҳкумни назорат қилишга жамоат бирлашмалари, хайрия ташкилотлари ва фуқароларни жалб қилиши мумкинлиги белгилангани диққатга сазовор. Бу борада шуни таъкидлаш лозимки, ЎзР Жиноят-ижроия кодекси 1-моддаси 2-қисмида Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштирокини белгилаши назарда тутилган бўлсада, миллий қонунчилигимизда мазкур субъектларнинг маҳкумларни ахлоқан тузатишдаги иштироки батафсил тартибга солилмаган.

Ўз навбатида айрим давлатлар жиноят қонунчилигида мазкур жазо тайинланмайдиган шахслар доираси кенгроқ белгиланган. Масалан, Украина Жиноят кодексига кўра ахлоқ тузатиш ишлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига, нотариусларга, судьяларга, прокурорларга, адвокатларга, давлат хизматчиларига, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларига нисбатан; Туркменистон ЖКда кўра олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабаларга нисбатан; Қозоғистон ЖКда меҳнатга лаёқатсиз деб топилган шахсларга, доимий иш жойига эга бўлмаган шахсларга, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олаётган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги белгиланган.

Қайд этилганлар асосида МДХ давлатлари жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ахлоқ тузатиш ишлари жинойий жазо сифатида қарийб барча МДХ мамлакатлари қонунчилигида белгиланган (Молдовани истисно қилганда).

2. Аксарият МДХ мамлакатлари жиноят қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга, нафақа ёшидаги шахсларга, меҳнатга лаёқатсиз шахсларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ҳарбий хизматчиларга нисбатан тайинланмаслиги белгиланган. Айрим давлатлар (масалан, Украина, Қозоғистон, Туркменистонда) мазкур жазо татбиқ қилинмайдиган шахслар доираси кенг тарзда белгиланган.

3. МДХ давлатлари қонунчилиги бўйича ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган маҳкумларнинг даромадидан ушлаб қолинадиган суммалар миқдори унинг ойлик иш ҳақидан 5 фоизидан 50 фоизигача ушлаб қолиниб, жазони ўташ муддати бир ойдан уч йилгача ҳисобланади (МДХ давлатлари орасида фақатгина Ўзбекистонда мазкур жазо муддати уч йилгача қилиб белгиланган).

4. Аксарият МДХ давлатлари қонунчилигига кўра ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталиши ички ишлар органлари ва суд ижрочилари томонидан назорат қилинади, айрим давлатларда эса мазкур ваколат махсус органлар (масалан, Арманистонда жиноят-ижроия инспекцияси)га берилган.

5. МДХ давлатлари қонунчилиги бўйича ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган маҳкумларга нисбатан турли мажбуриятлар ва тақиқлар белгиланган бўлиб, мазкур тақиқлар асосан маҳкумнинг меҳнатига яраша ҳақ олишининг чекланишида, ўз хоёли билан ишдан бўшаш ҳуқуқи чекланишида, жазо ижросини назорат қилувчи органнинг рухсатисиз яшаш жойини тарк этмаслигида намоён бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар оғир ва ўта оғир жиноятларга нисбатан

кўпроқ содир этилишини инобатга олсак, амалиётда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси бошқа жазоларга нисбатан кўпроқ тайинланишини қайд этиш мумкин. Шундай экан, мазкур жазонинг тайинланилишидан кўзланган мақсадга, жумладан, жиноят содир этган шахсининг ахлоқан тузалишига эришиш учун ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг миллий қонунчилигимизда белгиланган ўташ тартибини танқидий нуқтаи-назардан таҳлил қилиш ва шу орқали жиноятчи шахсининг ҳақиқатда ахлоқан тузалишига хизмат қиладиган механизмни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.